Шваб даҳо эмасди, ишлаб чиқаришда янглик-икти ро яратган муҳандис ҳам эмасди. У инсонлар билан тил топиша олган, муомалани ўрнига кўя билган зунно гадбиркор эди.

Мен ундан ютуқлар сирини сўраганимда киши ҳаётини ўзгартириб юбориш даражасида таъсир қилувчи кўпгина сўзларни муволафасиз айтганди: "Ўзимдаги яхши кимс латларни одамлардан ўзлаштирманман. Тиринчоқлик, раб батлантириш, ютуқларни эътироф этиш, хатоларга ишроф бўлиш кишини кишига яқинлаштиради, беғубор ҳамкорлик, самимий иқлимини вужудга келтиради.

Бошлиқларнинг ҳодимга нисбатан танқиди инсон нозат-нафсига оғир ботади. Ҳақорат даражасида таъсир қилади. Шунинг учун ҳеч кимни ҳеч қачон танқид-мало мат қилмайман. Раббатлантириш хатони тез бартараф этади. Кўполлик, сўқиниш муносабатларини оғирлаштириб, ишдаги самарадорликка акс таъсир этади.

Менга манзур бўлган, ёққан нарса учун чин дилдан самимий муносабат билдираман, қўллаб-қувватлайман". Шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, Чарлз Шваб бу даражага ўзинча етиб келгани йўқ. Устоз мураббийси Эндрю Карнетининг ҳаёти, иш тутуми, фаолияти ва кўрсатмаларини ҳормай-толмай ўрган ди, синаб кўрди, тажриба-хулосаларидан илҳомланди. Карнеги ҳар бир ҳодимнигина эмас, барча дўстларини, танишларини асло танқид қилмай, уларнинг оғина фазилат ва ютуқлари учун ҳам мактаб, раб батлантира оларди. Шу тариқа у муаммоларга бир

ҳам берадди, кучларни бирлаштириб, ягона мақсад ерни йўналтира оларди.

Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг, у вафотидан олдин ўз рабб топишга қуйидаги сўзларни ўйдириб ёздирган экан: "Бу қабрда ўзидан кўра ақли кишилар даврасини ярата билган инсон ётибди". Қаранг, ўз ўлиmidан ҳам одамларни мақташ имкониятини топа олган.

Албатта мактов, раббатлантириш адолатли бўлиши лозим. Сохта мактовлар хушоматдўйликдан кўра зарарлироқ. Драматург Альфред Лунт: "Ўз-ўзини ҳурмат қила билгани муҳимроқ", дейди. Аксинча, ўз иззат-нафси, обрўсини ҳимоя қилиш, қадрлашни билмаган шахслардан ҳурмат-эҳтиром кутиш кулгилидир. Ҳамма биладикки, хушоматдўйлик билан жиддий кишиларга ёндошиш ҳеч қачон ўзини оқламайди.

Эътироф чин дилдан самимий бўлиши лозим. Хушомат шиксий фарз-манфаат нуқстан назаридан, тоҳо ноқулни нозиятдан кутилиб кетиш, масъулиятдан холи бўлиш учун қўлланилади. Бу сохта усул бўлиб, латанбардорларнинг беминанат, ўткир кулолидир.

Биринчиси дилдан, иккинчиси тилдан. Биринчиси ишқид, кейингиси ноҳуш!

Мексикада генерал Обергон ҳайкали остида шундай ёзув бор: "Сизга қарши ҳужумга ҳозирлик кўраётган душмандон чўчиманг, мулоҳим латанбардор дўстларингиздан эҳтиёт бўлинг!"

Келинг, кечати муваффақиятларимизни, орзуларимизни тақдирлатавермай, атрофимиздагиларга ҳам самимий эътиборда бўлайлик. Қуруқ мактовлар ҳосили ҳеч қачон юзган бўлмайди.

Юракдан айтыладиган сўз дарҳол юракка етади, шуҳа-тронини, беҳуда толиқиш ва ноқорликни бартараф этиб, қонбона куч бахш этади. Ҳа, эътирофларингиз самимий, нақтовларингиз ўз меъёрида бегараз бўлса, сизни узоқ нақдлар кишилар соғинч ва эҳтиром ила эслаб юрадидлар.

Ҳар йили ёз фасли келиши билан Меп дарёсига балиқ овига жўнайман. Шахсан ўзим қулупнай ва тилосони ҳуш кўраман. Қаранг, балиққа эса лойхўрак ёқар экан. Шунинг учун ҳам овга борар эканман, ўзимга ёққан нарсани эмас, балиққа манзур бўладиган хўрак оламан. Қармоққа қулупнай эмас, чувалчанг солиб, "Ма, татиб кўр", дегандек сувага отаман.

Бу қўлбола масалдан мақсад шуки, одамлар эътиборини ўзимга қарата билиш осон иш эмас. Уларнинг орзу-интилиши, хоҳишларини ҳисобга олишни билиш, ўрғаниш лозим. Қачонки, сиз ўзингизгина хоҳлайдиган нарса ҳақида сўзлай бошларкансиз, билиб қўйинг, ёш боланинг қилиғини тақрорлаган бўласиз. Сиз ўз фойданингиз учун жон қўйдирётган нарса билан ўзгаларнинг сариқ чақалик қизиқишини йўқ. Аслида, ҳаммамиз ҳам шуидмиз. Ҳамма ўзи билан ўзи овора, нимани хоҳласак, шунга интиламиз. Бошқа шахслар билан, уларнинг хоҳишлари билан заррача ишимиз йўқ.

Шунинг учун ҳам биз, аввало, кишилар нимани хоҳишлагани, шунга аниқлаш, билишга ҳаракат қилиб, сўнг тавсир ўтказишга киришмоғимиз лозим. Мисол учун ўғлимиз Чекмаслигини хоҳласак, унга чекиш туфайли футбол ўйнади, узоққа югуриш мусобақасида ютказиб қўйини мумкинлигини эслатиш kifof.

Инсон туғилиб, акинни танитганидан бошлаб ўз халқ-ҳаракатларини хоҳишга мослаб боришга одатланди. Айтайлик, сиз 100 доллар хайрия қилдингиз. Буни нақд хил тушуниш мумкин: сиз кимдир бевараз, Аллоҳ йўлида садақа қилмоқчи бўлдингиз. Ёки кимдир сиздан иттимос қилгани учун ноқулайликдан қутулай, деб улаганингиздан эҳсон қилдингиз. Бироқ иккала ҳолатда ҳам сиздан хоҳиш пайдо бўлганди. Аксинча эса, сиз ҳар қандай мажбурлов бўлса-да, хайрия қилмаган бўлардингиз.

Профессор Гарри ўз китобида ёзди: "Бизнинг барча катта-ҳаракатларимиз замирида хоҳишларимиз хазинаси яшириниб ётади. Бирон кишини ўз интилишига кўра, айни-да, оиладами, мактабдами, сиёсат майдонидами, тинч-сотиқдами кўндирга олса, эринса, хоҳишини уйғотса, булай одамлар дунёни забот этишга ҳам ярайди. Аксинча, ёлғизлик укубатига маҳкумдир".

Шотландиялик ночор йилгича Эндрю Карнеги даст-доб соатига зўрға икки центдан ишлаган бўлса, кейинчалик у 9 юз олтимиш беш миллион доллар хайрия қилган! У одамларнинг хоҳиш-иродасини англаш, тавсир ўтказиш сирларини барвақт ўзлаштирган эди. Э.Карнеги мактабда тўрт йилгина ўқиган, холос. Аммо одамлар билан муомала қилиш, уюштириш малакасини юқори даражада биларди. Йель университетида ўқиётган икки жинидан хат-хабар йўқлигидан, боз устига ёшан хатига ҳам жавоб ёзмаётганларидан онаси ташвиш тортди. Карнеги бундай йўл тутди: иккала йилгича хат ёзди. Мактуб охирида иккаласига 50 доллардан пул юбораётганини қистириб ўтди. Бироқ келгиле пул солмайди. Навбатдаги почтадеҳ икки хат келди: "Меҳрибон Эндрю амаки! Мактубингиз учун катта ташаккур!.. " У ёғи қандай тутганини тасаввур қила олсангиз керак...

Мана бу мисолга ҳам эътибор беринг. Бир неча йил аввал Филдсельфиядаги таниқли врачга томоғим оғриётганини айтдим. У ҳам томоғимни кўрмай туриб, қаерда ишлаганини сурштириб қолди. Қаранг, врачни менинг ширетган аъзоним эмас, қанча даромад олишим қизиқтормасди! Анниқроқ айтадиган бўлсам, мендан қанча пул олганини ўйлашги, асло менинг дардимни эмас! Теза со-ном тик бўлиб кетди. Нафратланган ҳолда хонасидан чиқиб кетдим.

Бундай одамлар беҳисоб. Бевараз хизмат кўрсатадиган барча тошқурни топиш қийин!

\*\*\*

Катта Нью-Йорк марказидан бир нафаслик нарида Колумб Американи кашф қилганидан бери инсон қўли тегмаган кичикроқ ўрмон мавжуд. Мен бу ерда итми билан тез-тез сайр қилардим. Уни арқонсиз ва тўрент эркин қўйиб юборардим. Ана шундай сайрлардан биринда биз отлиқ полициячига дуч келиб қолдик.

- Сиз нега итингизни ўрмонда озгита тўр содматган ҳолда бўш қўйиб юбордингиз? - қўлларини ўкталиб мени саволга тутди полициячи.

- Уэр, - мулоим жавоб қилдим мен, - бу кучук ҳеч нарсатга зиён етказмайди, деб ўйлаб...

- Сиз нимани ўйловдингиз? Яна бир марта бу аҳвол қайтарилса, судда жавоб берасиз! Итингиз олмахонини ғажиб ташлаши ёки бирор сайр қилувчинини тишлаб олгани мумкин-ку!

Мен қайта-қайта уэр сўраб, зўрра қўтилдим. Маммурий ходимлар билан айтишиб, баҳслашиб ҳеч қачон ютмайсиз, аксинча, ютқазасиз. Яъни, аҳволни баттар оғирлаштириб оласиз. Қолаверса, улар қонун билан ҳақликларини рўқач қилдилар.

Гарчанд қонунни бузмасликка сўз берган бўлсам-ди, кўп ўтмай, иккинчи марта эркин сайр пайтида қўлга тушдим. Бўлар иш бўлганди. Бироқ полициячининг дағдасини кутиб ўтирмай, айбдор сифатида биринчи бўлиб ўзим гап бошладим.

- Муҳтарам назоратчи, сиз мени жиноят усида қўлга туширддингиз. Айбдорман. Мен ўзимни оқламақчи эмасман. Аввал огоҳлантирган бўлсангиз-да, мен қонунни буздим. Берадиган жазонингизга розиман.

- Қўйсангиз-чи, - қўтилмаганда мулоим жавоб қилиш полициячи, - кучукчаннинг югуриб юриши ажойиб, қолаверса, бу ерда одамлар ҳам камрок.

Ишларингиз жуда тўғри. Бироқ у олмахонга ташлаб қўлиши мумкин...

Қизик экансиз-ку, унча аҳамият бермант. Яхшиси, итингизни анави тепалик ортида сайр қилдирсангиз, ҳеч нима кўрмайди. Хайр.

Кўришсангизми? Ўша полициячи ўзининг кимлигини, мамқинни англатиб қўймоқчи, холос. Мен уни тан олган, эътироф этган ҳолда ўз шаштидан туширдим. У бурчидан келиб чиқиб, тўё марҳамат қилаётгандек ҳис қилди ўзини. Бордию мен ўзимни оқлашга, ҳимоя қилишга ҳаракат қилганимда полициячи ҳамма ишни бошқача йўсинга солиб юбориши мумкин эди. Ўмингизда полициячи билан тортишиб кўрганмисиз?

Биз тўқнашув муқаррар эканини билсак, дарҳол айбонига иқдор бўлиб, уэр сўрашга шай бўлсак, "дуэл"га чиқарилиб олгани олган бўламиз. Хатоингизга иқдор бўлишнинг билан рақибингизни осонгина қуролсизлан-тиришингиз мумкин.

Хар қандай тенгас ҳам ишни қилиб қўйиб, ўзини ҳимоя қилишнинг билгиди. Жуда кўпчиликл ана шундай ноқулай тувлан фойдаланишга, ҳатто муттаҳамчилик қилишга-чи бориди. Ўз хатоларини очик тан олмай, атрофдагиларни ноқулай аҳволга солиб қўяди.

Элберт Хаббард ўзининг кескин ва аччиқ мақолалари билан мамлакатда танилган журналистлардан бири эди. Шунинг учун ҳам у тез-тез можароли, жанжалли вазиятларга тушиб қоларди. Кўпчиликнинг норозилигига, ғазаб-овинига сабабчи бўларди. Аммо бундай қалтис вазиятлардан Элберт устамонлик билан чиқиб кетиб, ҳатто рақибларининг ҳам кўнглини ола биларди.

Мислдан, у навбатдаги "тахир" мақоласи учун ҳақоратларга тўла мактуб олади. У бу хатга қуйидагича жавоб ёзган: "Чиндан ҳам сиз ҳаққа ўхшайсиз, фикрингизга қўйинмай иложим йўқ. Базми аввал ёган нарсаларим бундан ўнмита ҳам эриш туюлмоқда. Бу борада сизнинг му-

лоҳазаларингизни билишни жуда яхши истардим. Қўлингизни  
қонбона сиқиб қоламан. Сизнинг Хабабларингиз".

Ҳўш, бундай сатрларни ўқиганингиздан сўнг қаттиқ му-  
носабатда юмшаш жараёни бошланади, шундай эмасми?  
Ҳақлигимизни мушт ўқитиб исботлагандан кўра олоб-  
ахлоқ доирасида одамларга етказишга ҳаракат қилиш қан-  
дай яхши бўларди! Муайян ҳолларда ҳато учун Ҳимовла-  
нишдан ҳеч нарсата эришолмаймиз. Суҳбатдош, ҳамкор,  
рақиб учун сал ён бериш - бу маълубият дегани эмас. Бу  
билан биз кўпроқ нарсата эришимиз мумкин.

\*\*\*

Доктор Рассел С. Сесил артрит (инсон бўғинларининг  
яллигланиши) хасталиги бўйича машҳур мутахассислар.  
Унинг қатъий ҳулосаси бўйича қуйидаги ноҳуш ҳоллар  
лар артрит касаллигини келтириб чиқаради:

1. Эр-хотинлик муносабатларининг издан чиқиши.
  2. Молиявий инқироз ва ғам-ташвишлар.
  3. Ёлғизлик.
  4. Хафатарчиликнинг махфий тарафда узоқ давом эттиши.
- Бу тўрт ҳис-туйғуларгина артритнинг ўзининг ке-  
либ чиқишини "таъминлайди". Ушбу хасталикнинг нин-  
бошқа оғир шакллари ҳам мавжуд. Буларнинг ҳамма-  
си беҳуда безовталикдан келиб чиқади ва умр бўйи  
курси-аравачага ўтиришиб қўйиши мумкин.

Масалан, танишларимдан бири кутилмаганда монн-  
явий буюҳронга учраб қолди. Бошқа нажот йўллари ҳам  
тўсилиб қолди. Унинг хотини бу йўқотишларни кўт-  
ролмай, артритга учради. Ҳар қанча дори-дармон ва  
парҳезлар ҳеч қандай самара бермади. Қачонки, монн-  
явий аҳвол ўнглана бошлагач, аёл ҳам оёққа тура бош-  
лади. Бундай дардга йўлққанлар ўзлари босиб ўтган  
"шонли йўл"ни бир ақл тарозусига солиб мулоҳаза

қилишни ва безовталикдан ўзларини тийишни билсалар  
ки, дори-дармонсиз тузалиб кетишарди.

Безовталик тиш емирилишини (кариеси) келтириб чи-  
қариши мумкин. Мутахассисларнинг фикрича, кўрув, бе-  
овталик, тирноқ остидан кир қилириш, ўзгаларни камси-  
тишга интилиш каби ноҳуш туйғулар киши организмидати  
калий мувозанатини издан чиқариб, кариеси пайдо қила-  
ди. Нақтида даволаниб, олди олинмаса, бир умр мажруҳ  
бўлиб қолиш ҳеч гап эмас. Худди шу ноҳуш феъл-атвор-  
дан асаб, ички секреция безлари, умуртқа пононалари фео-  
донги бузилади. Организмда мода алмашинуви издан чи-  
қати. Ҳаётний фаолиятда сусткашлик, диққинафаслик, но-  
қонлик уйғона бошлайди. Буларни санаб ўтишдан мурод  
ҳар бир киши соғлом организм учун дардни қаердан орт-  
тириб олаётгандларини эслатиб ўтишдир. Барча касаллик-  
лар бир-бирига жуда яқин "қариндош"дир. Улар осон "тил"  
қилишни ва сизнинг тинка-малорингизни куришиб, аёвсиз  
қулоқлади.

Амалдаги давҳаларимизда Америкада юрак хасталиги би-  
ринчи "жаллод" эканини айтгандик. Безовталик кучаар экан,  
тез тизимлари асоратга тушади. Сўнг юракка ташланади.

"Бизнинг оғир туноҳларимизни Парвардигори олам  
инфират қилиши ҳеч гап эмас. Аммо асаб тизимлари-  
ни бизнинг дарзали кечмишларимизни асло кечирмай-  
ди". Доктор Уильям Жеймс бу фикрга бирданита келма-  
ган. У халқаро маълумотларни таҳлил қилар экан, ўз  
жонига суиқасд қилиш кучайиб бораётгани, айниқса,  
Америкада аҳвол жиддий эканини билгач, ана шундай  
қулоқ чиқарган.

Тарихда ушбу сатрларни ўқийиб, бир-бирига ўхшаш  
инсонларни кўп учратаётган бўлсангиз ҳам, ечимлар-  
нинг бошқа-бошқа эканига алоҳида эътибор беришини-  
нгизни истаймиз.

Сиз қандай ўйлайсиз: ҳаётингизни миллион-миллион  
даҳлар пуллар гўзал қила оладими?

Кўп йиллардан бери Гарольд Эббот билан танишимини у шундай воқеани ҳикоя қилиб берганди: "1934 йили баҳори мен учун анча ташвишли кечганди. Мен ўн йилдан ортиқ Миссури штатида бақроқлик дўкони очиб иш юритгандим. Нима бўлдино синдим. Бор-йўғимдан ажратганим етмай, талай қарзга ҳам ботдим. Ҳисоб-китобимча, бу қарзлардан қутилиш учун камида етти йил қаттиқ меҳнат қилишим лозим эди. Шанба кўни дўконни бутунлай ёпиб, банкка бормоқчи бўлдим. Мақсадим қарз олиб, иш қилириб Канзас-Ситига бориш эди. Дунёим қоронғулашиб, дилимга қил сиемасди. Қайғу-ҳасратга чўмган, ўзимга бўлган ишончимни, ҳаётда курашиш қобилиyatини йўқотган эдим. Лекин... бу тушқувлик ва безовталикдан ҳаммаси бўлиб ўн дақиқада халос бўлдим, десам, балки ишонмасиз!"

Умидсизликдан эзилиб, саваланган дайли итдек кетган пайтимида рўпарамдан оёғи йўқ, кўлобола аравачада тўнкадай ўтирган кишини кўриб қолдим. Унинг икки кўлида ҳаракатланиш учун ёғочдан қилинган лаппакли тоёқча. Ана шу таёқчани ерга тираб олға интилади. Мен уни эртасига ҳам учратдим. Аравачани чоррахадан ўтказиб, галдаги йўлакка чиқиш учун таёқларига зўр бериб уринаётганини кўрдим унинг. Қутлиматанда кўзларимни тўқнашди. Таниди. "Хайрли тонг, жаноб! Қаранг, кун қандай ажойиб, шундай эмасми?" У саломлашар экан, юзида очиқлик, шодонлик барқ уриб туради. Унга бокдим-у ниҳоятда катта бойлик эгаси эканимни ҳис қилдим. Оёқсиз ҳолатида ўзини бахтиёр сезаётган ногирон шахсдан минг чандон ортиқ эканимни, оёқ-кўлларим буталитини идрок қилдим. Шу даҳзадаёқ шалвираб ётган нуғудимда илоҳий бир куч пайдо бўлаётганидан Яратганга шукроналар қилдим. Фикрларим тиниқлашиб, аҳлим қатъийлашди. Ўз ҳолимдан куюниб, банкдан юз доллар олмақчи эдим. Энди ишонч билан икки юз доллар олганини ниёт қилдим. Банк хизматчисига пулни олиб, Канзас-Ситига

ташга бормоқчи эканимни дадил айтдим. Мен қарзини олиб, иш ҳам толдим.

Ҳолдир ювиниш хонадаги ойнага қуйидаги сўзлар ёзилган қоғозни ёпиштириб қўйганман. Уни ҳар тонт ўқийман: "Мен ғам-ҳасратга фарқ бўлгандим. Оёғимда шифоғим йўқ эди. Мен икки оёғидан жудо бўлган кишини учратганимдан сўнг ўзимнинг ялангоёқ эканимга яқин бор шукрлар қилдим..."

\* \* \*

Урушда томоғидан қаттиқ яраланган жангчига тўхтов-ни қон қуйиб туришибди. У врачга ёзиб кўрсатди: "Мен шифоғимни?" "Ҳа". Жангчи Яна ёзди: "Мен гашира ола-ганимни?" "Ҳа". Кейин ярадор навбатдаги хатни ёзди: "У қандай нета мен безовта бўлишим керак?!"

Сену биз ҳам тўхтовсиз бу саволни ўзимизга беришимиз лозим: "Нета мен безовта бўлишим керак?!" Аҳамиятсиз нарсаларга ҳам эътибор беравериб ўзимизни даб-дабда қилаётганимиз етмаганидек, ўта бачкана ва майда-чехи бўлиб кетаётганимизни, атрофдагиларда маломат урғулаётганимизни фаҳмламаймиз.

Ҳаётимизнинг 90 фоизи яхшилик билан муҳофаза қилинган. 10 фоизгина ёмонликка дура келиш эҳтимоли бор. Моделники, шундай экан, бахтиёр бўлиш учун ниятларини ҳаминша яхшиланмоғимизга қаратишимиз керак. Кўнглимизликлардан, бизни ранжитадиган ҳар қандай ҳаракатлардан сақланмоғимиз лозим. Агар бўлмагудай-қайиларга таслим бўлиб безовталана бошласак, қайғу-хасрат, ошқотон ярасига дучор бўлишдан ҳам кўра даҳшат-лироқ ўрин алмаштиришнинг кувоҳи бўламиз. Яъни, ўн фоизгина ёмонлик кура олиб, нурули кунларимиз, кувон-ганимиз мумкин бўлган яхшилик ўрнини тўла эгаллайди.

"Улливвернинг саёҳатлари" (муаллифи Жонатан Левин) китоби Англия адабиётида энг тушқун, умидсиз-

ликини ифодаловчи асар ҳисобланади. Унинг қаҳрамони ҳар туғилган кунини мотамсара кийим - қора эҳромга бурканиб ўтказган. Ҳаётдан завқланиш ҳиссидан узоқ бўлган қаҳрамон ҳам шундай деган экан: "Дунёда уч нафар доктор бор - бири доктор Парҳез, иккинчиси доктор Осойишталик, учинчиси доктор Шодлиқдир". Сиз бу докторлардан бепул фойдаланишимиз мумкин. Булар бизнинг бебаҳо бойлигимиз эканини тўғри ҳис қилиб, эртақдаги Али Бобо хазинасидан минг чандон дарахтга эга эканимизни тушуниб етардик.

Ахир, сиз икки кўрар кўзингизни миллиард долларга сотармидингиз? Икки оёғингизнинг нархи қанча? Икки кўл ва кулоғингизнинг-чи? Фарзандларингиз, оилангиз сиз учун қанча туради? Сиз Рокфеллер, Форд, Морганларнинг сармоҳасидан кўра минг бора бой эканингизни ҳеч мулоҳаза қилиб кўрганмисиз?

"Биз ўзимизда йўқ нарсалар ҳақида қайғуравериб, истеъриமிழади нақд, мавжуд нарсалар тўғрисида жуда кам ўйлаймиз". Бу ҳақ гапларни Шопентауэр айтган. Ҳа, шундан ҳам "ўзимизда йўқ нарсалар ҳақида қайғуравериб" она Еримизда даҳшатли бахтсизликларнинг келиб чиқишига йўл қўймоқдамиз. Бу йўл қўйиш, хатолик тарихда рўй берган юқумли касалликлар ва сонсиз урушларда инсоният тортган барча уқубатлардан юз марта оғирдир.

\*\*\*

Биз Лосил Блейк билан Колумбия университетининг журналистика бўлимида бирга ўқитамиз. У ўн йил муқаддам Аризонада яшган пайтида оғир касалликка учраган. Кечаси ишдан қайтиб, эрталаб ўрнидан туролмай қолган. У оғир юрак хасталигига учраган. "Сиз йил давомида тўшакда ётишингиз керак. Қолаверса, сизга қатъий осойишталик зарур". Даволовчи врач унга ана шундай кўрсатма беради. Лосил қачондир дарддан форте бўлиб,

туриб кетишга асло ишонамган. "Ўрнидан кўзголиним ўлишим билан тенг эканини англаб турадим. Мен бу дарахтга қандай йўлқўганимни билмай, нола қилардим. Бир кун расом кўшим чиқиб, хасратимни тиндириб танбех берди: "Сиз йил бўйи тўшакда ётишни фожиа дешизми? Йўқ, ундай эмас! Бу ҳам сизга бир имконият. Сизда хотиржам ўйлаш ва ўзингизни билиб олишга етарли вақт бўлади. Босиб ўтган йўлларингизни мулоҳаза қилиб экансиз, ўзингизда руҳий қувват пайдо қиласиз". Шундан сўнг безовталикдан тинчланиб, ҳаётимга назар ташлаб, ўзимга баҳо бера бошладим. Бир кунни радиодан "Шахсий фикрингиз маъноси қандай бўлса, сиз ўзингизга ифодалай оласиз, холос", деганларини илғаб қолдим. Бундай гапларни авваллари ҳам кўп бор эшитган бўлсам-да, бироқ ҳозиргидек унинг маъносига аҳамият бермагандим. Демак, мен яшашим учун кор келадиган яқин ниятлар қилишим, қувонч, бахт ва соғлиқ ҳақида кўпроқ ўйлашим керак экан.

Ҳар кунни эрталаб уйғонарканман, ўтмишим ва келажагинини эслашга ўзимни мажбур қилардим. Тақдиримдан ўринлики, шунга яраша ирода, куч топа олдим. Ўзимни қоч қасри овримаётгандек тутардим. Ширингина қизим бор. Эшитиш ва кўришим бинойидек. Радиодан хушҳант кун тарқияпти. Китоб мутолаа қилишга вақтим етарди.

Танишларим ҳам ёлғизлатиб қўйишмади. Ҳар кунни ақлолимни сўраб келишарди. Врачим белгиллаган соатларда мен ётган палатага келувчилар учун жадвал осиб қўйган. Уларга бир кишидан киришга руҳсат берилган. Ушанидан бери тўққиз йил ўтди. Ҳозир қайноқ ҳаёт кучайганди. Мен бир йил тўшакда ўтган умримдан розиман. Чунки ана шу ўтган ойлarda мен ўзимни ўзим қайта кашф қилдим. Бетакроф умрининг фанимат ва бебаҳо эканини чуқур англаб етдим. Ҳозир эса бир вақтлар бегоҳатликдан ўлишимни тилаб қолганларим эсимга тушиб, улиб кетаман".

Азизам, Лосил Блэйк, сиз ўзингиз учун ажойиб сабоқ олибсиз. Икки юз йил муқаддам доктор Сэмюэл Жонсон шундай деганди: "Ҳар бир воқеа-ҳодисанинг мақбул томонларини кўра билш йилга минглаб фунт (пул)дан олинадиган даромаддан афзалроқдир".

Лотан Пирсал Смитнинг инсониятга қарата айтган ушбу сўзлари ҳам пурмаънодир: "Инсон ҳаётида ўз олдига икки мақсадни қўйиши керак. Биринчиси, сиз нимани орозу қилган бўлсангиз, ўшанга интилинг. Иккинчиси, эришган ютуқларингиздан қувонишни ўрганинг. Инсониятнинг донишманд вакилларигина иккинчи мақсадга эришишга қодирдилар".

\*\*\*

Ювилган илшнинг олхона раковинасида туриши ҳам кишининг ҳавасини кўзғатишга, балки сиз ишонмасиз, бу ҳақда биллишни хоҳласангиз, Бортильд Далнинг "Мен кўрнени истардим" номли ақл бовар қилмас китобини мутолаа қилинг. Китоб муаллифи қарийб эллик йил кўзи ожиз бўлган аёлдир. "Мен фақат бир кўзим билан атрофини гўбор қопатан ҳолда кўрдим, - деб ёзди муаллиф, - китобини шу қадар тутардимки, чап кўзим қири билан ўқирдим".

Шундай ҳолатда ҳам Бортильд Дал ўзгалардан шифқат ва мурувват кутмас, ачиниш уйғотишни хоҳлама, ўзининг ҳеч кимдан камлик жойи йўқлигини исботлашга тиришарди. Болалиги ҳам ўзига хос кураш билан ўтган, у тенглошлари билан катакли чизикда ўйнашни хоҳларди. Аммо чизик-четараларни яхши кўролмасдан кўп хатота ва ютқизиниқа йўл кўярди. Кейинроқ у ўртоқлари ўйнаб бўлиб кетишгач, ерга қанишиб олганча ҳар бир чизик ва четаранинг ўрнини сантиметрлаб ўлчаб, ўрнаниб чиқарди. Шу тариқа бу ўйинда унга тенг келадиганини топишмай қолди. Уйда китоб ўқиркан, йирик ҳарфли саҳифаларга унинг кириқлари тетиб турарди. Бу аёл

ишчи илмий даражага ета бўлган: Миннесот университети-нинг санъат бўйича бакалаври ва Колумбия университети-нинг санъат бўйича магистри эди. У дастлабки фаолиятини қишлоқ мактабларида, аёллар клубларида бошлади. У радиода адабий-танқидий чиқишлар қилди. Файрат-чиқоватли, қучли ирода эгаси бўлган Бортильд шундай ёзди: "Қалбимнинг қарида бутунлай кўрмай қоллиш дўшатишдан кўрардим. Ана шу кўркувни енгил учун ҳам тиним билмасдан ўзимни турли машғулотларга урардим. Донио ўзимни қувноқ тутишга интилардим".

1944 йилда бу аёл 52 ёшта кирди. Бу вақтда унинг ҳаётида чинакам мўъжиза рўй берди. Машхур Мейо клиникасида жарроҳликдан сўнг унинг кўзлари аввалгига нисбатан 40 баробар яхши кўрадиган бўлди. Унинг кўз ўнгидан янги бир олам ўз жозибаси билан турарди. "Олхонада налшларни юварканман, қўлимдаги совун кўпикларига шўрлаб катта-кичик шарлар пайдо қиламан. Уларнинг ёруғлигида камаладек товланишини завқ билан кузатаман... Бир куни олхона деразасидан қора-қуланг қанотли чумчуқларга кўзим тушди. Уларнинг мўъжизини, чиройли-лигидан ҳайратда қолдим. Қучли қор қўчишларига қарамадан жасорат билан парвоз қилишарди".

Сизу биз ўз журыатимизни, файрат ва интилишимизни, олхона турмуш тарзимизни, сошта-соғ жисимимизни бу аёлга муқожа қилгудек бўлсак, жудаам хижолатда қолган бўлардик. Аслида, биз ўз эътиборсизлигимиз боисидан теваарак-атрофлагли воқеа-ҳодисалардан қару кўрмиз. Ношукримиз. Уримизни ешта совурётганимизни, ВАҚТ номли олтинни ювчиб борётганимизни бепарво кузатамиз.

\*\*\*

Ҳар қандай кишининг ўз рақибини кўрарга кўзи, отар-та ўқи йўқ. Аммо... мулоҳаза қилиб кўрайлик: биз нега ўз устимиздан рақибларимизнинг ҳукмронлик қилишига

йўл кўйишимиз керак? Эътибор беринг: биз улардан қанча нафратлансак, ғазаблансак, шунча уйқумиз қочиб, қон босими ортиб, асабларимиз қакшаб, соғлигимиз емирилиб, тоштан-туттаннимиздан ажраб бораверамиз. Рақибларимизга айнан бизнинг мана шу ҳолга тушибилишимиз кўла келади. Улар устимиздан мазох қилиб куладилар, чинкам ғолиб биз, деб кўкрак керадилар. Ёлар бизга қанчалар қимматга тушаётганини фаҳмлаясизми?

Бизнинг изтиробларимиз, нафратимиз душманларга ҳеч қандай зарба беролмайди, аммо кечаси-ю кундузи ўзимизни аётор қилиб ташлайди.

"Агар худбин кишилар сиздан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга интиласалар, сиз бундай шахсларни таниндарингиз рўйхатидан бутунлай ўчириб ташланг! Анин вақтда асло улар билан ўчакишманг. Орани очик қилишга, қасос олишга киришар экансиз, ўзингиз учун жулда катта зиён ва ташвиш орттирган бўласиз". Сизнингча, бу сўзларни ким айтган? Машхур донишманд, дедингизми? Саломат бўлинг! Бу сўзлар Милуоки шаҳар полицияси бошқармасининг ахборотномасидан кўчирилди.

Исо алайҳиссалом: "Душманларингизни севишга интилинг ёки етти пуштидан етмиш мартаба нари юринг! деганида нимани назарда тутганикин? Юраги заиф кишилар ўзларини ғазабдан тийишлари лозим. Ғазаб илжава одамни ўлдириши мумкин. Қўлимда Спокен шаҳар полициясининг бошлиғи Жерри Суортаутнинг хати турибди. Унда машхур ресторан эгасининг ҳалокати ҳақидаги тафсилотлар берилган. Ресторан ошпази хўжайинининг пиёласида қаҳва ичиб кўйибди. Бундан беҳад ғазобланган бошлиқ Уильям Фолкабер кўлига тўппонча ушлаган ҳолда ошпази кува бошлаган. Ва... юраги хуруж қилиб, тўсатдан вафот этган. 68 ёшдаги бу одам ўлик ҳолатда ҳам ҳамон тўппончани чангалаб ётарди.

Хўш, хўжайиннинг пиёласида қаҳва ичса, нима бўлинг? Битта пиёла учун одамни отиб ташлаш керакми? Ортти-

ча бойлик ўзини боса олмаган кишиларни қутуртириб юбориши рост, шекилли. Аксинча, бир оғиз оғоҳлангирини кифоя эмасми?

Мен ноўрин ғазабланиш оқибатини ёзар эканман, қолганини ўзингиз мушоҳада қилиб, келишиш сари бир қадам ташланг. Ҳеч ким билан, ҳатто душманнингиз билан ҳам ўчишмаслик лозимлигини яна бир қарра эслатиб ўтаман.

Меда Швецияга иккинчи жаҳон уруши бошланганда қочиб кетган адвокат Георг Ронаннинг бир хати сақланган. Унинг ёзишча, пули бўлса-да, иш топиш лозимлигини ўйлайди. У бир неча тилларда сўзлаша оларди. Ўзинча бирор фирманинг мухбири сифатида иш бошламоқчи бўлади. Шу мақсадда бир неча таниқли фирмаларга иш сўраб ариза юборади. Уруш кетаятгани учунми, кўпчилик фирмалар бундай "мутахассис"га эҳтиёж йўқлигини билдириб жавоб беришди. Бошқа бир фирма эгаси эса Ронанга шундай жавоб йўллаганди: "Афтидан, сиз менинг фирмам нима билан шуғулланишини ҳам билмайсиз. Менинг тасаввуримда тўлроқ туюласиз. Мента ҳеч қандай мухбир керак эмас. Бордию бунга эҳтиёж туғилганида ҳам сизни ишга қабул қилмас эдим. Негаки, шведча илмода саводсиз эканлингиз кўриниб турибди. Хатингиз бошдан-оёқ хатоларга тўла".

Георг Рона бу мактубни ўқир экан, тепа сочи тикка бўлиб, ўзини кўйгани жой топа олмай қолди. "Қаранг-а, илмоқандай бир швед мени швед тилида тўғри ёзолмаслиқда айблаб, масҳара қилипти! Ваҳоланки, шведнинг каттада ҳам бошдан охиригача хатолар тўлиб ётибди. Мен сенга кўрсатиб қўяман ҳали", дея қороз-ручқа тайёрлади. Мақсади - унинг адабини бериб қўйиш! Ёзишга епришган паллада ўйлаиб қолди: "Балки бу одам ҳақдир? Гаронда мен швед тилини билсам-да, у менинг она тилим эмас-ку. Ўзим билмаган нарсга ҳақида хато қилишим табиий. Мен Швециядан иш топишим учун бу тилини илмода яхшироқ ўрганишимга тўғри келади. Ундан кўра

фирма бошлиғига "маслахат"лари учун тапшакур билдирим кулайроқ". Унинг ақл кўзи очилиб, хушёр тордан ва навбатдаги хатини ёзди: "Сиз томонингиздан мен учун кўрсатилган марҳаматингиздан фот миннатдорман. Вақтингиз тизгиз бўлишга қарамай, мен учун оғир меҳнатни зиммангизга олганингиз, фирмангизга мухбир керак бўлмагани ҳолда қимматли маслахатлар берганингиздан фот тасирландим. Чиндан ҳам фирмангиз фаолияти ҳақида ҳеч қандай тасаввурга эга эмасман. Сизга хат ёзишимнинг босси маълумотхонада сиз энг зўр фирма лидерларидан бири эканлигини тушунтиришган эди. Қолаверса, ёзган хатимда грамматик хатоларга йўл қўйганимни ҳам билмовдим. Бу борада жудаям хижолатдам. Энди эса эътибор билан швед тилини ўрганиб, хатоларимни тузатишга киришаман. Сиз менга ўз маликамини ошириш учун тўғри йўл топиб берганингиз босси ана бир қарра тапшакур изҳор қилишга ижозат беринг".

Бир неча кундан сўнг фирма бошлиғидан жавоб хати келди. Унда Рона учрашувга таклиф қилинганди. Учрашди. Танишди. Ишга ҳам қабул қилинди.

Ҳазбони ўчириб, миани совутиб иш тутиш ҳаминша руҳий кўшимни мусаффо сезди. Қадимий ибора мавжуд: "Қим ҳазобланганини билмаса, ўта тентақдир. Аммо қим ҳазобланганини хоҳламаса, у донодир".

\*\*\*

Мен Канададаги "Жасперовский" миллий паркида антивилик тиббиёт ҳамшираси Эдит Кейвелл шарафига кўйилган ёдгорлик давҳасидати сўзларни ўқиб жуда ҳам тасирланган эдим. Бу аёл ўз ўлимининг мардона кутиб олган ҳамширасидир. Воқеа 12 октябр 1915 йилда бўлган. У Бельгиядаги ўз уйида урушда ярадор бўлган Франция ва Англия аскарларини яшириб даволатан ҳамда парварши қилган. Кейин уларнинг Голландияга қочиб ўтишларига ёрдам-

лашган. Немислар уни душмандарни яширганликда айбон, жиноятчи сифатида отиб ташлашган.

Эдит қамқудлигида унинг камерасига инглиз роҳибиди кириб, ўлим олди тавба-тазарусини қилдиrhoқчи бўлди. Шунда аёл қуйидагиларни айтган: "Мен ватанпарварлик нима эканини билсам-да, бу мендаги ҳамма туйғуларни қамраб ололмайди. Менда ҳеч қимга нисбатан нафрат ва ёмонлик бўлмаслиги керак!"

Орадан 4 йил ўтгач, унинг ҳоки Англияга олиб келиб дафн этилган. Мармар ва бронзага эса аёлнинг юқоридати сўзларини зарб қилишган.

Йитирма бир аср муқаддам Эпиктетнинг айтишича, қим ёмонлик уруғини сепса, табиийки, тақдир барибир бунинг учун тоvon олади. Ҳар қандай инсон ўз жинояти учун қатта жарима тўлашга мажбур. Шу нарсани яхши билиб олган инсон ўзгаларга диозорлик, зулм қилишдан ўзини тийган бўллади. Аввало, ҳар бир киши ўзини ўзи назорат қилган, хатосини аниқлаган бўлиши лозим. Ҳамма нарсани билиш дегани, дeмак, ҳамма нарсани тушуниш дeмакдир. Молюнки, шундай экан, айблалашга ҳам, муҳокама қилишга ҳам имкон қолдирмаслиги керак. Биз умуман душманлик кийфитидан воз кечмас эканмиз, кескинлик деңгизида оёқини таллак кeмaсининг тақдирини кучли довул ва тўлқинлар хавфидан халос бўлoлмайди. Ҳа, биз душмандлар қилган ёвузликни қилмайлик. Аллоҳ бизни ўшалардай яратганига шукроналар айтayлик.

\*\*\*

Ҳаётда иззатлашаб, мартабатлашаб, фақат ўзининггина ҳақ деб билгувчилар ҳам кўп учрайди. Улар жамоат ва жамият ишларида ўзларини фаол қилиб кўрсатишнинг ўрнига кўйсалар-да, аслида ҳамма-ҳамма нарсатга шахсий манфаатлари нугтан назардан ишга киришадилар. Ваҳоланки, ўзгаларнинг иззат-нафсини, ҳақини рўно қилмай-

дилар. Уларга яхшилик қилиб ҳам кўнглини тополмайсан. Ўзгалардан олган, сўраган кўмакларини тез унутдилар. Бундайлар учун бирор яхшилик қилиш, ҳурмат кўрсатиш тўғрисида бошқаларга буюрди. Худо кўрсатмасин, бундай "жамоатчи" ҳақида бирор танқидий, салбий фикр билдириб қўйсангиз, борми, ўла-ўлгунча сизни бадном қилиб юради.

Шарқнинг қадим донишманди Конфуций минг йиллар муқаддам: "Зиқна, иззатлалаб, майдакаш кишиларининг турган-битгани заҳар", деб айтган экан.

Мен Техасда ана шундай шахс тимсоли билан учрашдим. Танишларим мени у ҳақдаги унча-мунча "малумот"лар билан таъминлаган бўлишса-да, ўзим суҳбатлашини хоҳлаб қолдим. Кўришган заҳотиёқ танишларимнинг башоратлари "ўнг" кела бошлади.

Малдум бўлишча, Рождество (Исо алайҳиссалом туғилган кун) байрами муносабати билан у ўз ходимларига ўн минг доллар ажратиб, ҳар бирига уч юз доллардан пулни мукофот тариқасида берган. Аммо бизнесменнинг бу "саховати" бирор ишчи томонидан эътироф этилмаган. Бошқача ифодаласак, ҳеч ким бир оғиз раҳмат айтмаган. Бундай "нонқўр"лик бошлиқни ғазаблантириб юборган. "Уларга берган ҳар бир центимга ачинаман", дейди жиги-бийрони чиқиб. Тўғри гап, бу одамга раҳмим келди. Негаки, орадан ўн бир ой ўтиб кетган бўлса-да, бошлиқ ҳар кун, ҳар вақт шу ҳақда миннат қилиб жаврагани-жавратан. У одам олтимши ёшларда, Эхтимол, унинг ҳаётда нари борса, яна 20-25 йиллик умри бордир. Ачинарли томони шундаки, бу ёшдаги кишиларнинг кўпчилиги ҳаётнинг аччиқ-чуқлигини кўрган, муайян тажрибага эга, мулоҳазакор кишилар бўлишди. Қаҳрамонимиз фожеси шундаки, у бундай фикр-мулоҳаза, андишалардан йироқ. Биринчидан, эхтимол, бу шахс миллий урф-одат, тантаналарни ўз ходимлари билан камдан-кам нишонлаб келган ёки мутлақо буни ўзинга муно-

сиб кўрмайди. Агар у ҳар бир ходимнинг ўзига хос ишчанлигини рағбатлантириб, корхонадаги унинг ўрнини эътироф этиб, мукофотини (арзимас бўлса ҳам) топишса, қандай манзара пайдо бўларди? Зўр! Йўқ, у одам бундай марҳаматдан узоқ. Балки ходимлар бу пул белгиланган соатдан кўп ишлаган кунларимиз учун тўланган ҳақ, деб қабул қилишгандир. Эхтимол, даромадининг асосий қисми солиққа кетаётгани учун берилган, деб ўйлашгандир. Ёки қаттиққўллиги, иш ҳақининг вақтида бермай, қурумсоқлик қилаётгани учун ҳам у ўз ишчи-ходимлари ўртасида обрў-эътиборини йўқотгандир. Эхтимол, ишчи-ходимлар яхшиликка нисбатан миннатдорчилик билдиришдан узоқ бадахлоқ кишилардир.

Эхтимол, ундай, балки бундай. Мен ҳам бу борада сиздан ортиқ кўп нарса билмайман. Аммо шунинг қатъий биланки, доктор Сэмюэл Жонсон: "Миннатдорчилик - инсондати самимийликнинг олий ифодаси. Сиз уни тарбиясиз, бадахлоқ одамлар орасидан тополмайсиз", деган. Демокриманки, бу одамнинг катта хатоси - қилган эҳсонини миннат даражасига кўтаришдир. Биз ҳаётдаги кишилардан миннатдорчилик кутиб, тамагир ҳолда яшашимиз керакми? Сизга, муҳтарам ўқувчим, саволим бор: ростини айтгинг, бирор кишига яхшилик, ёрдам қилиб, эъзизга ташаккур кутганимизсиз? Балки сиз "Ҳа", дерсиз. Аммо машҳур адвокат, кейинчалик жиноий ишлар бўйича судья бўлган Сэмюэл Лейбовиц 78 нафар жиноятнинг электр курсиди қатл этишдан сақлаб қолган. Айтгинг-чи, улардан нечаси судьяга ташаккур билдирган? Тўппа-тўғри, бирортаси ҳам.

Инжилнинг хаворий Лука хабарида шундай оят бор: "Исо пайғамбар ўн нафар оқариб кетган кишиларни далолайди. Улардан фақат бир кишигина пайғамбарга салоқат кўрсатади, холос. Қолган тўққиз киши лоақал раҳмат айтмай, изсиз кетади". Демак, яхшиликни ўн кишидан бир киши билиши мумкин. Сизга яна савол бери-

шимга изн беринг: нима учун мен, сиз ва техаслик биз-  
несмен одамларга арзимас яхшилик қилиб, уни миннат  
қилимиз? Ваҳоланки, Исо алайҳиссаломнинг ҳиммати ва  
хизмати олдида бизники сариқ чақата ҳам арзимайди!  
Яна бу пулга тааллуқли бўлгандаги манзарани тасаввур  
қила оласизми?

Чарлз Швабнинг кассири банк пули билан меҳнат бир-  
жасида чайқовчилик қилаётганда қўлга тушган. Унинг  
қамалиб кетмаслиги учун Чарлз ўз ҳамёнидан сарф қилиб,  
уни қутқариб олган. Кассир унга раҳмат айтганидми?  
Ҳа, деган. Аммо кейинроқ у ўз ҳалоскорига шундай тух-  
малар уюштирдик, асти қўйверасиз.

\* \* \*

Борди-ю сиз қариндошларингиздан бирига миллион  
доллар қолдириб, ундан миннатдорчилик кутган бўлар-  
мидингиз? Эндрю Карнеги худди шундай қилган. У ўз  
қариндошига бир миллион доллар қолдирган. Эндрю  
Карнеги мўъжиза рўй бериб қабридан чиқиб, қариндо-  
шининг қилиғини кўрганда, борми, донг қотиб қоларди.  
Ўши мерос олган қариндоши уни тўхтовсиз даъватлар-  
ди. Сабаби қария Эндрю хайрия жамғармаларига 365  
миллион доллар ўтказгани ҳолда қариндошига бир мил-  
лион доллар қолдирган, холос.

Ҳар бир хусусият инсоннинг ўз табиатидан келиб чи-  
қади. Агар биз инсонларга беравас, самимий кўмак бе-  
риб, дарди билан дардлаша оласак, меҳрибонлигимиз бе-  
миннат бўлса, келажатимиздаги мева ҳам, шубҳасиз, эзу  
бўлади. Бундай яқин муносабатлар сабабли кимдир та-  
шаккур изҳор қилса, ажабланмаймиз. Аммо раҳмат ай-  
тиш табиий равишда кўпчиликнинг ёдидан кўтарилмас.  
Мен Нью-Йоркда ёлғиз яшайдиган бир аёлни билар-  
ман. Ўзи эса ҳамisha танҳоллигидан нолийди. Қариндош-  
лари ва яқинларидан бирортаси ҳам унинг дийдорини

қўришни истамайди. Агар сиз ундан ҳол сўрагудек  
бўлсангиз, соатлаб қуйидагиларни жаврашдан толмай-  
диз: "Мен болалигимдан ҳамма укаларимни ўзим ювиб-  
тариб воёга етказганман. Касал бўлиб ётганларида ўзим  
қараб, ҳатто дори-дармонлар тайёрлаганман. Жиянда-  
рим яхши ўқисин, деб кўпглаб совға ва пул берардим.  
Ҳатто ўз уйимда уларни япашга таклиф қилганман..."

Хўш, энди аёл кексаяиб, ёлғиз қолгандаги манзара қан-  
дай? Қариндошлари унинг ҳолидан хабар олишадими?  
Ҳа, унингга келиб туришди. Лекин тез-тез келиб туриш-  
га безиллаб қолган. Сабаби юқорида эслатганимиз тана,  
маломатлар такрор-такрор айтилиб, хунибйрон қилиб  
юборади. Хабар олишмаса ҳам, бир баю. Уларга даъдага  
қилади. Оёзига дуя келган сўзларни қайтармайди. Унинг  
наздида барча яқинлари яхшиликни билмайдиган кўна-  
мактардир. Унинг қаршисида барча қариндошлари бурч-  
ли. Унинг тез-тез юрак, асаб касалликлари хуруж қилиб  
туради. Бунинг сабаблари равшан. Аёл ўзи учун миннат-  
дорчиликни, самимийликни изламапти, аксинча, талаб  
қилипти! Шу фельд-атворига яраша ҳануз турмушта ҳам  
чирмаган. У ўзига нисбатан меҳр-оқибат кўрсатишларини  
талаб қилмасдан яқинларига муносабатини юмшатишни,  
уларга самимий меҳрибонлиқни беравас кўрсатишни, фи-  
донийликни бошласа, олам гулистон!

Қариндошларидан оқибат кўрмаган бундай ёлғиз аёл-  
лар беҳисоб. Улар ҳаммага суюмди, зътиборли бўлиш-  
ни хоҳлайдилар. Бунинг учун эса... Келинг, бу ёғини  
ўзингиз мулоҳаза қилинг.

Ким нима эжа, ўшани олади. Менинг ота-онам нафақат  
фаришталарига, ўзгаларга ҳам кўмак беришни, шифқатли  
бўлишни бахт, қувонч деб билишарди. Биз ўртача ҳолда  
инилишимизга қарамай, кишиларга кўмак беришни бурч да-  
рижасида англардик. Етимлар уйига, қашшоқларга, турли  
кифрия жамоаларига баҳоли қудрат ёрдамлашардик. Эва-  
нти бирор табрик-ташаккур хати ҳам кутмасдик.

Мен оиладан узоқда ўқиб, ишлаб юрган кезларимда турли байрам муносабати билан ота-онамга банк чеки юборардим. Бу пулга ўзалари учун ёқимли бўлган харидлар қилишларини сўрардим. Қачонки, уйга қайтсам, отаммента "Юборган пулинг вақтида келди, фалончи-фалончилар жуда қўйналиб кетишибди. Уларга озиқ-овқат, кийим-кечак, қишга кўмир олиб беришга тўғри келди", дерди бегараз. Бу беминнат эди.

"Ақли расо инсон, - дея ёзди Аристотел ҳақим, - ўзгаларга бегараз қувонч бахш этиш билан шодланади. У бошқаларга хайрихоҳлик кўрсатаётиб, ўзи учун миннатдорчилик билдиришларидан хижолат чекади. Олий тўйғули кишилар ҳаминша яхшиликни раво кўрадилар".

\*\*\*

Ота-оналар минг йиллар давомида қайсар ва оқибатсиз фарзандларидан нолиб келадилар. Ҳатто Шекспирнинг Қирил Лири ҳам:

- Фарзандингнинг беоқибатлиги

Чаққан илон оғриғидан оғир, - деб фарёд уради.

Болаларда ўзимиз меҳр-оқибат туйғусини шакллантира олмаган бўлсак, уларда не туноҳ?

Оқибатсизлик гўё ёввойи ўтга ўхшайди.

Оқибат эса бамисоли атиргул. Уни авайлаш, парвариш қилиш лозим.

Фарзандларимиз биздан миннатдор эмас экан, айбони кимга юклайлик? Ўзимиз бошқаларга меҳр бахш этмаган бўлсак, бошқалардан уни кутишга ёки талаб қилишга ҳақлимизми?

Мен ўз меҳр-муҳаббати қадр топмаган чикаголик бир киши билан танишдим. У карообка (кути) фабрикасида ҳафтасига 40 доллар маошга ишларди. Ёлғиз яшовчи бу инсон икки фарзандли бева аёлга уйланади. Оила-ни бошқариш, боқиш, болаларни тарбиялаш ва ўқи-

тиш масъулиятини ўз зиммасига олган ҳолда, тўрт йил ҳеч қандай шикоятсиз, тинч ҳаёт кечирди.

Бунинг учун оиладагилардан биронтаси раҳмат дегани йўқ. Хотини эса эрининг барча гамхўрликларини унинг бурчи деб билди. Болалар ҳам онасидан ибрат олган ҳолда воқта ета бошладилар. Бунинг учун болалар айборми? Сўзсиз айбдор. Аммо она икки хўса айбдордир. Унинг эрита миннатдорчилик билдириши ёш ва гузал қадли-қоматига, шайнига гўё ярашмасди. Болалари ҳам ҳаётда кимнингдир олдига бурчли бўлиб қолишини ис-тамасди. Гўё бутун дунё улар олдига қарздордек эди. Мана шундай худбинлик аёлда оқилона, инсофли бўлиш туйғусини уйғота олмади. У кўпчилик аёлларнинг "Сенга тетиб нима кўрдим?" қабилидаги ўжар шиорларини қаттиқ тутди. Аксинча, у: "Болаларим, отангиз тарчанд ўғай бўлса ҳам, ҳақиқий олижаноб инсон! У оиламизни оёққа турғазишда жонбозлик қилди. Сизларнинг бошингизни силаб, ўқснмай парвариш қилди. Маълумот олинингизга гамхўрлик қилиб, катта пул эвазига ўқитди. Ундан фахрлансангиз арзийди!" дея улкан ҳамжиҳатлик инқилибини яратиши мумкин эди.

"Қуш уясида кўрганни қилади", дегандаридек, бола-ларимиз биз нима қилсак, ўшани такрорлайди.

Менинг Виола холам юмшоқ кўнгил, саҳий ва меҳрибон аёл эди. Фарзандларини жону дили билан парвариш-илди. Ўзининг ва эрининг онасини қаритан чоғларида ўз бегарига олиб, уларга беминнат хизмат қилди. Оилада олти бола ва икки онаси намунали турмуш тарзини яратган эди-лар. Тўғри, бу хонадонда ҳам унча-мунча таллар ўтиб тур-тин, аммо улар осойишталикни оғирлаштириб юборадиган, инфоноиятти оғиритирадиган ҳолатлардан сақлангандлар.

Ҳозир йигирма йилдан ўтди. Виола холам ёлғиз, бева қолган. Фарзандлари оилали бўлиб, турли жойларда ис-тиқомат қилишади. Болалари ва набиралари Виола хо-ламни ҳар даҳза сабрсизлик билан кутадилар. Ўзалари

Билан кўпроқ бирга бўлишга интиладилар. У билан ҳар нафас жон-жон деб суҳбатлашгилари келди. Самимий бу икким ҳамма-ҳамманинг кайфиятини кўтарди. Виода холамнинг ҳар бир ташири бўлди, келин-куёвлари, набиралари учун чинакам байрам тусини олди. Ҳамма ардоқлайди. Нега? Бир вақтлар бу аёл куч-куватни борида улар учун бутун меҳр-муҳаббатни беришган экан, бутун қариган чоғида болалар муҳаббати ҳам бир жавоб тарзида қайтиши табиийдир.

Мен бир вақтлар Қўшма Штатларнинг шёда денгизчиларига кўмондонлик қилган генерал-майор Смедли Батлер билан суҳбатлашиб қолдим. У ёшлтидан машҳур бўлишга интилан. Аммо танқид ва мазак қилишларига асло чидай олмаган. 35 йиллик ҳарбий фаолиятида унга тақалмаган айб ва лақаб қолмаган. "Мени дум ва илон деб аташарди. Инглиз тилидаги барча ҳақоратлар билан "сийлашарди". Дастлаб бундай муносабат жигимга қаттиқ тегарди. Бора-бора кўникдим. Ҳозир эса кимдир устимдан кулса, ҳақорат қилса ёки ғийбат қилганларини эшитсам, калламни қайриб ҳам қарамайман. Мен ўзимни ўша ахлоқсиз шахслар билан тенг кўришни истамай қолдим. Мен араз ва тиналарни кўнгилimgа олавериб, ҳеч қачон яхшилик топмадим".

Мен собиқ кўмондоннинг бу сўзларини эшитиб, ўз бошимдан ўтган воқеа ёдимга тушди. Кўп йиллар аввал Нью-Йоркда чиқадиган "Сан" газетаси мухбири менинг ўқув машғулотларимни кузатган бўлиб, ўзим ва ишим тўғрисида бўлмағур уйдирмаларни эътон қилибди. Мақолани ўқирканман, нафсониятимга қаттиқ таъсир қилди. Бунини шахсимга ва шайнимга нисбатан ҳақорат тарзида қабул қилдим. Шу заҳотиёқ газетанинг ижрочи директори Жил Хожеста кўнгирик қилиб, муҳбир мен тўғримида ҳеч қандай асосга эга бўлмаган ҳолда бўхтон ёганини билдирдим. Мен мақола муаллифи ва таҳририятни қасддан қилинган жиноят даражасида фош этишга қарор қилдим.

Ҳозир эса бу ҳаракатларимдан хижолат чекаман. Негаки, бу газетанинг сотиб олгандарнинг ярми, эҳтимол, мақолани ўқимайдилар. Кимдир ҳазил тарикасида қабул қилгандир. Яна биров "Ажаб бўпти!" қабилида намойишкорона хурсанд бўлгандир. Бир неча ҳафтадан сўнг эса бу одамлар ҳамма нарсани унутадилар.

Энгилкида одамлар сизу мен тўғримида мутлақо ўйла-масликларини тушуниб турибман. Улар бизнинг фам-ташвишларимиздан асло азият тортмайдилар. Улар ўзи билан ўзи овора. Нонушта пайтида ҳам, тушликда ҳам, кечки овқатда ҳам фақат ўзларини ўйлашади. Сизнинг ва менинг ўлимим ҳақидаги хабардан кўра минг бора ўзининг оғриб турган бошига даво ишташ билан машғул.

Демоҳиманки, энг яқин дўстларингиздан бири устингиздан кулса, бўхтон ёки ғийбат қилса, алдаса, курагингиз ўртасига пичоқ урса, асло ғазабланманг. Эсланг, Исо алайҳиссаломнинг энг яқин асҳоблари - ўн икки ҳаво-рийдан бири уни душмандларига тутиб берган. Унинг бошинга кулфат тушган пайтда сўроқда қолган ўн бир нафари ҳам "Биз уни мутлақо танимаймиз, ҳеч қачон у билан бирга бўлмаганимиз", деб пайғамбардан тонгандилар, хиёнат қилгандилар. Шундай экан, ёлгончи, аблаҳ ва мунофиқ, хиёнаткор "дўст"лар билан ғайри мусобақата қилишиш нодонлиқдан бошқа нарса эмас.

Бу билан танқидга, одамларнинг нохуш хатти-ҳаракатларига мутлақо эътибор берманг, дейишдан йироқман. Фақат фикр-мулоҳаза қилиб кўринг. Ўзини танқидга, асосли камчилиқка эътирофли бўлиш - ўзини билган кишига бу ҳам ғалаба билан тенг. Аммо юқоридаги каби шахсларга дуч келганда, энг яхшиси, улар билан муносабатни унатиш. Ўзингизни эркин ва бардам тутинг. Бошингизни биланди кўтариб юринг!

Авраам Линколн ўз танқидчилари ҳақида шундай деган: "Агар ҳамма маломат-хужумларга жавоб қайтариш билан машғул бўлсам, унда зиммамдаги вазифалар

нинг биронтасини ҳам бажаролмасдим. Мен ҳар бир нарсанинг ниҳоясига, оқибатига аҳамият бераман. Борди-ю оқибати хайрли тугаса, мен учун кўрсатилган қарингикиларнинг ҳаммаси беҳуда бўлиб чиқади. Агар мағлубият кутаётгани аниқ бўлса, қанчалар ҳақ бўлса-да, ўнга фаришта ҳам мени кутқаролмайдди”.

\* \* \*

\*Барча турдаги касалликлардан соғайишни, янгида кўнжам бўлишни, яшаришни хоҳайсизми? 5 минг йиллик тарихга эга ХИТОЙ табибати ҳам ёрдам беришига тайёр.

\*Сунни, ҳавони, мева-чеваю сабзавотларни, терининг жидмики нуқсонларини (ҳар хил доғлар, ҳузну-зарлар, ҳидлар...), ҳатто эъти маҳсулотларини тозалатайдиган, яъни ҳалма ердаги инфекцияни йўқ қиладиган, кингирод билан бойитиб берадиган, ҳар қандай жисмини дезинфекцияловчи хусусиятга эга озонотопор аппаратикерами?...

\*Турли хасталикларни (ҳатто қандли диабет, рақ кабиларни ҳам) илдири билан йўқотувчи, ҳаётда йўлини йўқотган одамга йўл кўрсатувчи, қарздорларга ёрдам берувчи, ёшлик, хушқайфият ва соғлиқ улашувчи, шунча нарсани тонган киши бошқаларга ҳам бу борада маълумот берса, унга пул тўлагувчи, ҳар қандай муаммони ҳал этишда имконият яратувчи жой билан алоқа қилишни истайсизми?..

Марҳамат, +99897 7857581 ва +99897 7463624 рақамларига кўнжироқ қилинг. Каттами-кичикми, эркакми-айёлми, бойми-камбағилми, шилими-ишсизми, мансабдорми-оддийми - ким бўлмасин, бемалол муросатат этинг! Биз ҳар бирингизга ёрдам берамиз...

#### МУНДАРИЖА:

|                                          |    |
|------------------------------------------|----|
| Муқаддима .....                          | 3  |
| Д.Карнеги ҳақида Америка наприйёти ..... | 4  |
| Машҳурликнинг қисқа йўли .....           | 7  |
| Мундарижа .....                          | 59 |

Дейл Карнеги

## ИҚРОРЛИК - МАЎЛҶУБИЯТ ЭМАС

Тошкент - 2009

Бош муҳаррир: Нодир Норматов  
Муҳаррир: Зухра Ҳамдамова  
Техник муҳаррир: Икболой Холдорова

Тершиш берилиши: 15.07.09. Босишга рухсат этилиши: 27.07.09. Ҳажми:  
84х108/32. 3,75 б/т. Адади: 1000. Баҳоси келишилган нархда.

Нашириёт манзили:  
Тошкент шаҳри, 100029, Мустақиллик майдони, 2-уй.  
“AL-FABA SERVICE” МЧЖ босмахонасида босилди.  
Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 23-А уй.